Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 236 (6. 427) ◉ 1987 йил 17 октябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 15 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Эстония ССР Давлат агросаноат комитети системасидаги корхона ва ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш тадбирлари юзасидан Эстония ССР Министрлар Совети билан Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади.

Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш корхоналари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг планлаштириш соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш, маҳсулот реализация қилишда колхоз ва совхозларга қўшимча ҳуқуқлар бериш, материал-техника ресурсларининг улгуржи савдосини жорий этиш, меҳнат коллективларининг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва унинг самарадорлигини кўтаришдан манфаатдорлиги оширишга қаратилган бошқа тадбирларни бажариш белгиланган.

Москвада саноат-ишлаб чиқариш объектлари, маъмурий ва жамоат бинолари қуриш (кенгайтириш, реконструкция қилиш)ни янада чеклаш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди. Қурилиш ташкилотларининг қувватларини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан, аҳолига хизмат қилиш, пойтахт халқ хўжалигини ва маданиятнинг моддий базасини янада ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган корхоналар қуришга жамлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Москвада саноат корхоналари ва маъмурий бинолар қуриш тўғрисида илгари қабул этилган бир қанча қарорлар бекор қилинди. Бундан буён техника билан қайта қуроллантириш зарурати ҳамда иш жойларини ва ходимлар сонини камайтириб ишлаш учун нормал шароит яратилган тақдирдагина шундай объектларни қуришга ижозат берилиши мумкин.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев, А. А. Громико ва Н. И. Рижковнинг Финляндия Республикаси Президенти М. Койвисто билан музокаралари якунларини маъқуллади.

Совет томони ҳам, Финляндия томони ҳам яхши кўшничилик ва ишонч, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва бир-бирининг ўзига хослигига ҳурмат билан қараш йўлидан бундан буён ҳам муттасил олға боришга қатъий аҳд қилганлигини музокаралар кўрсатди. Дўстлик, ҳамкорлик, ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йил Шартномаси СССР билан Финляндия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб қолмоқда.

Визит чоғида имзоланган ҳужжатларга юқори баҳо берилди, иккала мамлакатнинг ўзаро товар оборотини мунозаватли асосда қўпайтиришдан, иқтисодий ҳамкорликнинг янги замонавий формаларини жадал ривожлантиришдан, шу жумладан қўшма корхоналар барпо этишдан бўлган манфаатлари бир-бирига мос эканлиги қайд этилди. Музокаралар иккала томоннинг қуролсизланиш, Хельсинки якунловчи актининг барча соҳаларида салмоқли натижаларга эришиш, ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида кучгайрат сарфлашга тайёр эканлигини аниқлаб берди, Сиёсий бюро ҳарбий мухолифлик ва кескинликни камайтириш Шимолдаги кенг миқёсли тинч ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида М. С. Горбачев томонидан Мурманскда таклиф қилинган тадбирларни амалга оширишда Финляндия ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни давом эттириш ва ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ президенти Р. Рейган билан, давлат секретари Ж. Шульц билан Вашингтонда ўтказган музокаралари ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессияси давомида бир қанча мамлакатларнинг давлат арбоблари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги. Бразилия, Аргентина ва Уругвайга қилинган расмий визитларнинг, шунингдек Кубага қилинган амалий визитнинг натижалари ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сиёсий бюро СССР билан АҚШнинг ўртача ва ундан камроқ олисликка учириладиган ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома устида олиб борилаётган ишни Вашингтонда ўтказилган музокараларда шу хусусда эришилган принципиал аҳдномани ривожлантириб, муваффақиятли тугаллаш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. БМТ Бош Ассамблеясининг 42-сессиясида қатнашган Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги Совет делегациясининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги иши маъқулланди. Кубадаги музокаралар ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммолари хусусидаги қарашларнинг бирлигини, Совет—Куба ҳамкорлигини ҳар томонлама такомиллаштиришга ўзаро интилишни тасдиқлаганлиги таъкидлаб ўтилди. СССРнинг Бразилия, Аргентина, Уругвай билан, Лотин Америкасидаги бошқа давлатлар билан муносабатларини янада ривожлантиришнинг, халқаро хавфсизлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ялпи системасини ривожлантиришнинг аҳамияти қайд этилди.

Сиёсий бюро Е. К. Лигачевнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари А. С. Байд билан учрашувлари якунларини маъқуллади. Иккала томоннинг КПСС билан Яман Социалистик партияси, Совет Иттифоқи билан ЯХДР ўртасидаги дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлашга узлуксиз интилиб келаётганлиги тасдиқланди.

А. Ф. Добрининнинг ГФРга қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, Сиёсий бюро СССРнинг ГФР билан давлатлараро муносабатларини янада ҳар томонлама ривожлантиришнинг иккала мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек тинч «умумевропа хонадони»ни қуриш ишида олға силжиш позицияларидан ҳам бўлган аҳамиятини таъкидлади. КПССнинг ГСДП билан, бошқа социал-демократик ва социалистик партиялар билан ядро уруши хавфини тугатиш ишидаги, бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишдаги алоқаларини ва баҳамжиҳат ҳаракатларини бундан буён ҳам кучайтиришга интилаётганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида совет экономикасини ривожлантиришнинг, шунингдек партиямиз билан давлатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

Мархабо, дўстлик байрами!

19 декабрда Тошкентда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон АССР маданият кунларининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Тошкентнинг «Оқшом» газеталарининг бугунги иккинчи саҳифаси ана шу дўстлик байрамига бағишланган. Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи — «Совет Қарақалпақстаны» ва «Советская Каракалпакия» газеталари бугун «Оқшом» газеталарининг меҳмонидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Совет Қарақалпақстаны» ва «Советская Каракалпакия» газеталарининг бугунги сонлари Тошкент ва тошкентликларга, Ўзбекистон пойтахтининг маданий ҳаётига бағишланди. Ана шу газеталарнинг махсус саҳифаларини «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг ижодий ходимлари тайёрлашди.

1917 1987

ОДАТДАГИДАН ЗИЁДА, ҲАР ҚАЧОНГИДАН АЪЛО ДАРАЖАДА

Бугун, коммунистик шанбалик кунида дастгоҳлар ёнида, қурилиш майдонларида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиняпти, пахтазорларда «оқ олтин» йиғим-теримида ҳақиқий жасорат намуналари кўрсатиляпти!

«Тошкент оқшоми»нинг Коммунистик шанбалик штабига келган дастлабки маълумотлар тошкентликларнинг сўзлари билан ишларн бир эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ҳа, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик пойтахтимизнинг барча районларида зўр уюшқоқлик, революция доҳийси В. И. Ленин васиятларига садоқат, юксак кўтаринки руҳда ўтмоқда. У ҳақиқий коммунистик меҳнат байрамига айланиб кетди. Мана, шаҳримизнинг Ленин району шанбалик штабидан ҳозиргина олинган маълумотлар:

Коммунистик шанбаликда юз мингдан зиёд ишчи-хизматчи қатнашди. Шундан 60 минг ишчи ўз дастгоҳлари ёнида меҳнат қилишди.

«Оқ олтин», мева ва сабзавотларни йиғиб-териб олишда 15 мингдан зиёд киши актив қатнашди.

Шу жумладан, Бўстонлиқ районида 3 минг нафар ишчи-хизматчи мева-сабзавотларни йиғиштириб олишда ғайрат кўрсатди. Минглаб ишчи-хизматчилар эса Жиззах область Октябрь району ҳамда Тошкент область Чиноз району пахтазорларида «оқ олтин» йиғим-теримида қизғин иштирок этиб, она-Ватан хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

...Шу районнинг шаҳар тарихида биринчи марта коммунистик шанбаликлар ўтказиш ташаббусини бошлаб берган Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводида соат етти яримдаёқ гудок меҳнат вахтаси бошланганидан дарак берди. Доҳий В. И. Ленинга корхона территориясида ўрнатилган ҳайкал ёнида тўпланган минглаб ишчи-хизматчилар цехлар, участкалар ва майдонлар томон йўл олдилар. Уларнинг чеҳралари ҳар қачонгидан гулгун, кайфиятлари аъло эди! Икки ярим минггa яқин ишчи-хизматчи дастгоҳлар ёнида туриб ишладилар. 40 нафар ишчи-хизматчи эса Тошкент область пахтазорларида дала меҳнаткашларига мададкор бўлмоқда.

Редакция штабининг телефонлари муттасил жиринглаб турибди. Ленин району штаби вакиллари билан суҳбатлашиб бўлишимиз биланоқ Куйбишев районидан хабар қилишди: лак-буёқ заводи коллективи район бўйича шанбаликда карвонбошилик қилмоқда. Меҳнат байрамида 950 ишчи ва инженер-техник ходим иштирок этяпти. Иш жойларида 460 кишн меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача 80 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шундан 47 минг сўмлиги халқ истеъмол молларидир. Шунисн характерлики, бутун коллектив шанбаликда фақат тежалган электр энергияси, хом ашё ҳисобига меҳнат қилмоқда. Уларнинг мўлжали бугун 5 минг сўмлик маблағни беш йиллик фондига ўтказишдир.

Район бўйича 42 минг киши ўз дастгоҳлари ёнида ишлаб, ҳар қачонгидан кўпроқ унумдорликка эришишга интилмоқдалар. Қурилиш майдонларида эса 7,8 минг киши ҳиммат камарини белга боғлаган. Аҳоли учун турар жой массивларини бунёд этишда эса 1,7 минг қурувчи активлик кўрсатмоқда, Шанбалик қатнашчиларининг мақсади бугун 2 миллион 90 минг сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлаш, 27,9 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилига элтиб беришдир. Қурилиш объектларида 227 минг сўмликдан зиёд иш бажарилади.

Дала меҳнаткашлари бугуннинг ўзидаёқ куйбишевликлардан 90 та трактор, 100 та прицеп, 1 та экскаватор, 150 минг сўмлик пахта тозалаш ускуналари, 45 километр кабель ва бошқа маҳсулотлар оладилар. Районда ҳаммаси бўлиб 226 минг кишн Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган умумхалқ ҳашарида иштирок этмоқда. Районнинг бошқа корхоналарида ҳам шанбалик кўтаринки меҳнат кайфиятида ўтмоқда.

Навбатдаги хушхабарни Киров районидан олдик.

— Район аҳолисидан 20 минг кишн шанбаликни пахта далаларида ўтказишяпти, — деб қувонч билан хабар қилишди район штабидан.— Улар Тошкент областининг Коммунистик райони хўжаликларида «оқ олтин» йиғим-теримида мададкор бўлишяпти.

Саноат корхоналари қурилиш ва транспорт ташкилотларида эса 20 минг ишчи-хизматчи ўз иш жойларида ишлашмоқда. Улар тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача 618 минг сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. 180 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Районни ободонлаштириш ишларида минглаб ишчи иштирок этди. Бугун шанбаликда иштирок этган 109 минг ишчи-хизматчи ишлаб топилган маблағларини беш йиллик фондига ўтказишди.

Район бўйича шанбаликда иштирок этганларнинг нияти 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Биргина Юнусобод массивининг ўзида бугун 160 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

— Алло, алло, редакциями? — деган овоз эшитилди трубкадан. Ҳамкасбларимиздан бири ёнма-ён турган, устма-уст жиринглаган иккинчи телефон трубкасини кўтарди. Бир вақтнинг ўзида Ҳамза району ва Фрунзе районларининг шанбалик штабларидан кўнғироқ қилишаётган экан.

— Ҳамзаликлар темир йўл билан чамбарчас боғланишган. Тошкент товар станциясида эрта тонгдан ҳанузгача вагонлар юкланиб, юк тушириб олинмоқда. Буюртмачилар ҳам, истеъмолчилар ҳам бугунги куннинг иш маромидан бехад хурсандирлар .

Маълум бўлишича, станциянинг бир гуруҳ ходимлари шанбаликни бугун эмас, балки пайшанба куни тонгданоқ бошлашган экан. Улар мана уч кундирки, шанбалик постида туришибди. Улар кимлар деб қизиқаётгандирсиз. Мана, ташаббускор ватанпарварлар: диспетчер-коммунист Г. Сизранцев, вагон уловчи М. Ярин, марказлашган пост операторн Т. Жонишева, 2-пост сигналчиси В. Котовлар ва бошқалардир.

Томчида қуёш акс этганидек районнинг биргина шу коллективи ҳиммatидан ҳам, бугун районда кўтаринки меҳнат кайфияти ҳукм сураётганини пайқаб олиш мумкин.

Келинг энди, Фрунзе району ишларидан ҳам бир «шингил» айтиб ўтайлик. Бу кўнғироқ «Тайтекстилмаш» заводидан экан. Дастлабки иккита йиғирув машинаси қабул қилиниб олинибди. Заводнинг янги компрессор станцияси объектида ҳам зарбдорона меҳнат қилинаётган экан.

Ҳудди шу районнинг экспериментал фурнитура-пластмасса буюмлари заводи енгил саноат министрлиги корхоналари учун ностандарт жиҳозларнинг катта туркумини тайёрлабди, пойабзалчилар янги буюмлар туркумини ишлаб чиқаришибди, «Промстройиндустрия» бирлашмасига қарашли корхоналар эса «Главташкентстрой»нинг қурилиш объектларига йиғма-темир бетон, керамзит, асфальт-бетон ва бошқалар жўнатгани ҳақидаги хушхабарларни олдик.

Шанбалик штабига Октябрь, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Чилонзор ва Сергели районларидан ҳам бир-биридан қувончли хушхабарлар олдик. Барча районларнинг меҳнатчилари якдиллик билан бир тану, бир жон бўлиб умумхалқ ҳашарида зўр ғайрат кўрсатдилар.


Энг қувончлиси — пойтахтнинг барча районлари меҳнатчилари вакиллари «оқ олтин» учун қизғин ва ҳал қилувчи кураш бораётган ҳозирги паллаларда пахтазорларда жасорат намуналарини кўрсатдилар, «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишдек хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, пахтакорларга ғоят масъулиятли дамларда камарбаста бўлмоқдалар. Кўриқ Сирдарё ва Жиззах областлари, шунингдек пойтахт области пахтакорлари «Уроқ ва Болға» иттифокига чин садоқат туйғусини намоён қилаётган тошкентликларнинг ҳимматига «Офарин!» демоқдалар. Бу репортажимизда барча коллективларнинг, ишчи-хизматчилар, студентлар ва бунёдкорларнинг исм-шарифларини номма-ном айтиб ўтишнинг иложи йўқ, уларнинг барчасига:

— Она-Ватанимиз, серқуёш республикамиз сизлардан айни мана шундай матонат ва ҳиммatни кутган эди. Олийжаноб меҳнатингизга, улуғ байрам — Октябрь санаси арафасида умумхалқ ишига қўшган муносиб ҳиссангиз учун Сизларга минг бор ташаккур, қўлингиз асло дард кўрмасин! Она днёримиз бахт-саодати йўлида ҳамиша сизларга омад, сиҳат-саломатлик ёр бўлаверсин, азиз ҳамшаҳарлар, деймиз.

«Тошкент оқшоми»нинг Коммунистик шанбалик штабидаги навбатчилар:

Ҳ. ИКРОМОВ,
Т. ТОШЕВ,
М. ОТАХОНОВ,
М. КОМИЛЖОНОВ.

Замондошимиз



ШАНБАЛИК НАШИДАСИ

12-қурилиш трести 50-қурилиш бошқармасининг Рустамбек Бурхониддинов бригадасида Валерий Владимировичнн энг илғор пайвандчи сифатида ҳурмат қилишади. У бригадада биринчилар қаторида Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиғи кунида қурилиш майдонларида зарбдорона меҳнат қилишга жазм этган эди.

Бу бригада пойтахтнинг Фарҳод кўчасида ётоқхона биносини қуряпти.

Мана, шанбалик куни ҳам етиб келди. Бригада аъзолари Валерий Владимирович даъвати билан ўз сўзларига содиқ қолдилар. Шу куни ишлаб чиқарнш топшириғини бир ярим ҳисса оширнб бажариш бўйича зўр ғайрат билан иш олиб борилди.

В. Тихомиров коллективда обрў-эътиборга ҳалол меҳнатн, ишга садоқати, ўз маҳоратини ошириб бориш туфайли эришди. У 1978 йилда 18-мактабни битиргач ҳеч иккиланиб ўтирмай, 86-ҳунар-техника билим юртнга кирнб пайвандчилик касбини эгалладн. Қардош Украинада Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтгандан кейин ҳам ўз жонажон касбини давом этирдн. Ҳозир у тўртинчи разрядли пайвандчидир.

Шанбалик куни у ва ҳамкасблари қурилиш объектида катта миқёсдаги ишларни амалга оширишдн. Умумхалқ ҳашарда ҳар бир кишн астойдил меҳнат қилдн.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиғи шарафига ўз зиммасига юксак мажбурият олиб ишлаётган моҳир пайвандчи Валерий Владимирович юбилейгача ҳар бир кунни зарбдорона меҳнат билан нишонлаш, шонли санага муносиб меҳнат армуғонн ҳозирлаш учун бутун билимн, маҳоратн, куч-ғайратнни сарфламоқда.

СУРАТДА: В. Тихомиров.

Т. Каримов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

14 октябрь куни бўлган область партия комитетининг бюроси мажлисида Киров ва Оққўрғон район партия комитетларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиғини муносиб кутиб олиш юзасидан меҳнат коллективларини сафарбар этиш бўйича ишлари кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, юбилейга тайёргарлик партия ташкилотларининг идеология ва ташкилотчилик ишларини кучайтириш, социалистик мусобақани авж олдириш омили бўлиб хизмат қилди. Тўққиз ойлик якунларига кўра Киров район корхоналари кўпчилик иқтисодий натижалар бўйича планни бажардилар. Оққўрғон район механизациялашган колоннада ана шундай нуқсонлар бор.

Юбилейга тайёргарлик ҳамма партия ташкилотларида ҳам совет давлатининг тарихий ютуқларини тарғиб қилишни кучайтириш, партия ва халқнинг жанговар, революцион ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашнинг етарли омилига айланган йўқ. Бу ишга партия, уруш ва меҳнат ветеранларн лозим даражада жалб қилинмаяптилар. Оққўрғон районида оғзаки сиёсий агитация, лекция пропагандаси воситалари бу мақсадларга сафарбар қилинмаган, кўргазмали агитацияда конкретлилик етишмайди.

Область партия комитети Киров ва Оққўрғон район партия комитетлари (Ш. Н. Маҳмудова, А. Носиров ўртоқлар) зиммасига айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарликдан кишиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш учун, беш йилликнинг иккинчи йили учун қабул қилинган план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш, ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир иш ўрнида юксак пировард натижаларга эришиш учун фойдаланиш вазифасини юклади.

Область партия комитети бюроси мажлисида шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг ички ликбезлик ва алкоголизмни бартараф этишга оид қарорини бажариш қандай бораётганлиги тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, вино-арақ маҳсулотлари реализациясини камайтириш юзасидан олиб борилган ишлар, бошқа тадбирларга қарамай, бу йўналишда ҳали камчиликлар мавжуд. Меҳнат коллективлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олиб борaётган профилактика ишлари аксарият ҳолларда расмиятчиликдан нарига ўтмаяпти, ҳужумкор характерга эга бўлмаяпти.

Тошкент Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида. Оҳангарон, Ғалаба. Бўстонлиқ районларида самогон тайёрлаш тобора кенг тарқалмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

«Хирмонингизга барака!»



Сирдарё областининг Оқ олтин районида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студентлари ва педагоглари пахтакорларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳар йилгидек дорилфунундан чиққан ҳашарчилар зўр шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

Сўлим дарахтзорда жойлашган, ҳашарчиларга ўрнатилган шийпондамиз. Бу ерда университетнинг журналистика факультети студентлари жойлашган.

— Бу йил йиғим-теримда ўзгачароқ йўл тутдик, — дейди факультет деканининг ўринбосари С. У. Умиров. — Ҳар йили йиғим-теримда биз, педагоглар студентларга бош-қош бўлардик. Бу йил эса студентлар ўзларини-ўзлари бошқаришмоқда. Масалан, «Мухбир» отрядига факультет комсомол комитетининг секретари Равшан Алимов бошчилик қилмоқда.

Бундай янгилик университетнинг физика факультетида ҳам қўлланилган. Янгилик ўз самарасини бермоқда.

Университет факультетлари ўртасидаги мусобақада юридик, математика, химия ва ўзбек филологияси факультетлари карвонбошилик қилишмоқда. Сўнгги беш кунликда юридик факультет 105425, математика факультети 98912, химия факультети 43236, ўзбек филологияси факультети 34500 килограмм «оқ олтин» хирмони уйди. Бир қанча студентлар куплик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришяпти. Юридик факультети студенти А. Машарипов, физика факультетидан М. Қурбонова, химия факультетидан Х.Қораева, ўзбек филологияси факультетидан О. Камолова, журналистика факультетидан З. Алимардонова, шарқшунослик факультетидан Н. Каримова ва роман-герман факультетидан М. Давлатова сўнгги беш кунликда 600—700 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишди. Дорилфунун студент ва педагогларининг уйган хирмони 820 тоннадан ошиб кетди.

Қуёш ботиб, кеч кирди. Журналистика факультети шийпонида 1-курс студентларини пахтакорликка қабул қилиш маросими ўтмоқда.

— Бизда бундай тадбирлар тез-тез ўтказилади, — дейди «Мухбир» отрядининг комиссари Анна Амбарцумянц. — Бу қизиқарли тадбир студентларга катта ёрдам беради.

Тонг. Ҳали «оқ олтин» чаноқларидан қуёш ўз нурларини йиғиб олишга улгурмаган. Лекин студент-ҳашарчилар далага отланишмоқда. Биз уларга «Хирмонингизга барака!» деб қоламиз.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ.
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг мухбирлари.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,25	64,88
Бухоро	2,53	55,55
ҚҚАССР	1,53	50,80
Сурхондарё	2,59	50,71
Тошкент	4,63	41,84
Фарғона	2,63	41,46
Қашқадарё	1,69	36,61
Сирдарё	3,47	32,91
Жиззах	3,32	32,68
Наманган	2,41	30,75
Навоий	2,18	30,46
Андижон	1,78	30,32
Самарқанд	2,03	28,11
Республика бўйича	2,44	40,72

17 ОКТЯБРДА ТУҒИЛГАН ДЎСТЛИК

Барлық еллердиң пролетарлары, бирлесиңиз!

СОВЕТ ҚАРАҚАЛПАҚСТАНЫ

ӨзКП ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ОБКОМЫ, ҚАРАҚАЛПАҚСТАН АССР ЖОҚАРҒЫ СОВЕТИ ҲӘМ МИНИСТРЛЕР СОВЕТИНИН ОРГАНЫ

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

Советская Каракалпакия

ОРГАН КАРАКАЛПАКСКОГО ОБКОМА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ КАРАКАЛПАКСКОЙ АССР

«Оқшом» газеталари меҳмони

ҚОРАТОВ ТОҒИ – БОЙЛИК КОНИ

Қоратов Қорақалпоғистонниң территориясида жойлашған узунлиги 60 километр, эни 16 километрли тоғ адирларидан иборат. Қоратов Тўрткўлга 100 километр, Нукусга 90 километр, Учқудуққа 375 километр туради.

Революциядан бурун зулми қиличидан қон томған адолатсиз замонларда Қоратов орқали хон навкарлари тут-қунликларидаги халқ фарзандларини шу ерларда қоронғу зиндонларға олиб келди. Бу ерда оч-ялаңғоч халқ армон билан келиб армон билан кетди. Тоғ йўлларидан бири Ўриссой йўлида йўлтўсар босмачилар ўрнашиб олди.

Шу Ўриссойда ёмон ниятли ёвузлар юраклари орзуга, армонга тўла қанчадан-қанча ёшларниң жонларига қасд қилди. Улар одам жонини чивинчалик кўрмади. Бу золимларни кўриб Қоратов оғир нола чекди.

Улуғ Октябрниң нурли шуъласи жабрланған Қорақалпоқ ўлкасига ҳам бахт олиб келди. Қоратовниң устидаги қора булутлар тарқалиб, тоғ ғафлат уйқусидан уйғонди. Энди бу ерда, бир вақтлар босмачилар ҳукмронлик қилған жойларда ҳозир Икарус ва КамАЗлар олис манзилларни яқин қилмоқда.

Қоратов бойликлари Советлар даврида қазий бошланди. 1931—1935 йилларданбошлаб тоғда академик Ферсман ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Иброҳим Ҳамробоев бошчилигидаги олимлар ҳар томонлама пухта ўрганди. 70-йиллардан бошлаб бу ерлардаги иш кенг масштабга айланди.

Гранит, мармар, листвинит, темир рудаси, цемент, гранит тоғларидаги минерал бойликлар ҳам битмас-туганмасдир. Ҳозир турли районларга бериб турган қорақалпоқ гранити ҳамда мармар тошлари ишланған плиталар ўлкамиздаги улкан бинокорлик ишларида, метрополитенларда саройларни безаб турибди. Бу бойликларни тўла ўзлаштиришга бағишланған вақт узоқ эмас. Ҳозир Қоратовга Тўрткўл ҳам Нукусдан темир йўл линияси келмоқда. Нукусга қурувчилар қийин участкалардаги ишларни бажариб бориб ҳозирги кунга қадар 50 километрдан узоқроқ масофага пўлат излар ўрнатишди. Келаси йили Қоратовга поездлардан гудок бериб келаётган бўлади. Бу темир йўллардан Қоратовнинг бойликларини улуғ совет халқининг юксак мақсадларини, улкан ишлар бажарилишини тезлаштиради. Шундай қилиб, туганмас бойликка эга бўлган Қоратов республикамизнинг индустриясини таъминлайдиган юксак базага айланади.

Ҳозир Нукусдаги 2-гранит ва мармар заводлари Қоратов мармарини қайта ишлаб турибди. Бироқ, бу корхоналарнинг қувватини кескин ошириб бориш зарур. Яқин келажакда Нукус цемент заводи ҳам фойдаланишга топширилади...

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхонамизни икки йилдан бери запас қисмлар, экскаваторлар ҳамда бошқа ускуналар билан таъминлаб келади. Шундай бўлсада, эскирган агрегатлар бизда етарли.

Карьер реконструкция талаб қилмоқда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Узстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг материаллар карьери Қоратовдаги қурилган ҳозирги замон корхонаси бўлиб ҳисобланади. Корхона ҳозир йилига 480 минг кубометр шебенка ишлаб чиқармоқда. Кези келганда айтиш керакки, кейинги йилларда бу ерда Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг тошни қайта ишлаш заводи ишлаб турибди. Жумиртовда ҳам шундай 3 та завод шебенка ишлаб чиқармоқда. Умуман бу корхоналар автоном республиканинг халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун йилига ўртача 3 миллион кубометрга яқин шебенка етказиб бермоқда. Бироқ, республика корхоналари қурилиш объектларини зарур бўлган шебенкага маҳсулотларни бошқа областлардан ташиб келишга мажбур бўлмоқда. Бу ерда «Каракалпакирсовхозстрой» территориал бошқармасининг йилига бир миллион кубометр шебенка тайёрлайдиган завод қурилишини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Юқорида биз айтиб ўтган Қоратовдаги рудасиз материаллар карьерида улкан резервлардан фойдаланмай келинмоқда.

Биз шу карьер директори Далихон Байтилуев билан суҳбатлашдик. У Қоратовниңг бойликларини ўзлаштиришда дастлабки қадам қўйилганини айтди. Олинган натижалар эса кишини қувонтиради. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Қоратовдаги табиат бизга инъом этган ҳосил бойликларини ўзлаштириш ишларида комплексли илмий ишларни тезроқ олиб бориш ва ривожлантириш керак.

Е. ЕРМАНОВ,
«Совет Қарақалпақстаны» газетасиниң саноат ва транспорт бўлими мудири.

«Малика» Нукусга

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасиниң Нукусдаги иккинчи филиали автоном республиканинг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхона механизациялаштирилган куч-ғайратларини халқиң устки кийим-кечаклар билан таъминлашга қаратмоқдалар.

Бу меҳнат коллективи «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга», шиори остида меҳнат қилмоқда. Коллектив тайёрлаётган маҳсулотларниг 85 процентидан болалар кийимлари ҳисобланади, Корхона маҳсулотларн фақат автоном республиканн эмас, балки Хоразм, Тошовуз областларини ҳам таъминламоқда.

Бу ерда ишловчи ҳар бир чевар ўз касбиниг устаси. Ҳозирги кунда тикувчилардан А. Ешимбекова 1988 йилниг ноябрь, Ж. Эралиева июнь, Н. Соян июль ойи, Д. Таниқбоева май ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бу илғорлар икки йиллик планни бир ярим йилда бажаришга одатланишган.

Коллективда 200 дан ортиқ одам меҳнат қиладн. Уларниг кўпчилиги ёшлардан иборат. 32 коммунист шу ёшларга мураббийлик қилмоқда. Коллектив юбилей йилида қабул қилиган мажбуриятларни 20 декабрда бажаришга бел боғлаган.

Шу кунларда ҳар бир цехда ўзаро меҳнат беллашуви авж олган. Чеварларниг қўлга киритаётган ютуқларида Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасиниг яқиндан бериб келаётган оталиқ ёрдамн ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу коллектив бир-бири билан тажриба алмашиб турадн. Тошкентликлар тўқиб берган материаллардан нукусликлар гўзал, бежирим маҳсулотлар тайёрлаб харидорларни хушнуд этмоқдалар.

Н. БЕГИМОВА.

«Бу ерда биз ўзимизни ўз уйимиздагидек ҳис этамиз»

СЎЗ—ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

Ҳар бир халқда байрамларни дилга яқин дўстлар даврасида кутиб олишдек яхши анъана бор. Бинобарин, Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати усталарининг Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари билан Улуғ Октябрнинг етмиш йиллиги байрами арафасидаги учрашуви бизни анъанавий, чамбарчас боғлаб турган чинакам қардошларча муносабатларимизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Қорақалпоғистон совет адабиёти миллий санъатнинг бошқа турларига нисбатан энг бой меросга эга. Меросни асраш —ўз халқи орзу-умидлари ва унинг тинчлик ҳамда бахт-саодатга интилишларини ифодалаб, бу меросни ривожлантириш демакдир.

Интернационал алоқалар адабиётни ғоявий-бадиий такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Бу борада ўзбек дўстларимизнинг қорақалпоқ адабиётини ривожлантириш, унинг ютуқларини тарғиб қилишдаги ёрдами бебаҳодир. Улар билан учрашув ҳамиша тажриба алмашиш ва ўзаро адабиётларни бойитишга хизмат қилади. Бугунги кунда у айниқса муҳимдир, чунки биз ҳаммамиз мамлакатимизда юз бераётган қайта қуришнинг инқилобий жараёнлари олға сурган принципиал янги вазифаларни биргаликда ҳал қилишимиз керак. Олдимизда янги изланишлар, турмушнинг чуқур қатламларига етиб бориш, ҳозирги замоннинг мураккаб ҳолатларини янада синчковлик билан таҳлил қилиш вазифалари турибди.

Т. ҚАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесиниң раиси, СССР Давлат мукофоти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

⊙

Агар сиз истаган қорақалпоқ актёри ёки режиссёридан қаерда ўқиганини сўрасангиз, эҳтимолки «Мен А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битирганман», деган жавобни эшитасиз.

Ҳар бир халқ иқтидорли бўлиб, ўзини санъатнинг истаган турида намойиш қила олади. Лекин Совет ҳокимияти ўрнатилгунча қорақалпоқ тилида «театр» деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Фақат қардош халқларнинг доимий мадади қорақалпоқ саҳна санъатининг яратилишига ёрдам берди. Бу олижаноб ишда Ўзбекистон ҳақли равишда биринчи роль ўйнаганини биз ифтихор билан тилга оламиз.

Қорақалпоқ саҳна усталарининг тошкентлик ҳамкасблари билан ижодий алоқалари мустаҳкам ва кўп қирралидир. Автоном республикага кадрлар тайёрлаб беришдан ташқари, Тошкент театр ва рассомлик санъати институти амалда қорақалпоқ курсини, баъзан икки курсини тайёрлайди, ижодий тажриба алмашувнинг бундан бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Ўзбекистон пойтахтининг етакчи режиссёрлари ва театр рассомлари Станиславский номидаги Қорақалпоғистон давлат музикали драма театри ва ёш томошабинлар театрида бир неча бор спектакллар қўйишган.

Айниқса, мамлакатимиз барча театрлари олдида турган саҳна санъатини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга даъват этилган Театр арбоблари союзи тузилгач алоқаларимиз фаоллашди. Бинобарин, бу анъанавий дўстлик учрашув кунлар: «Бу ерда, Тошкентда биз ўзимизни ўз уйимиздагидек ҳис қилаяпмиз!» деб қувонч ва ифтихор билан айтишимизга имкон беради.

К. АБДРЕИМОВ,
Театр арбоблари союзи Қорақалпоғистон бўлими правлениесиниң раиси, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Бердақ номидаги мукофот лауреати.

Дутордан — симфоник оркестргача — қорақалпоқ музика санъатининг босиб ўтган йўли ана шундай. Бугунги кунда қорақалпоқ бастакорлари камер, йирик чолғу ва симфоник асарлар яратмоқдалар, эстрада жанрлари ривожланмоқда, композитор Н. Муҳаммеддиновнинг «Ажиниёз» биринчи миллий операсини саҳнага қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Музика автоном республика меҳнаткашларини эстетик тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ҳар бир районда музика мактаблари очилган. Нукус маданий-оқартув техникуми ва Ж. Шомуротов номли Нукус санъат билим юрти уларга педагог кадрларни тайёрлаб бермоқда. Музика лекторийлари ишлаб турибди. Музика соҳасида энг қобилиятли йигит ва қизлар мамлакатимиз олий музика ўқув юртларида ўз маҳоратларини ошириш учун кенг имкониятларга эгадирлар.

Бу борада биз айниқса М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Мазкур музика билим даргоҳида кўплаб созанда ва хонандаларимиз таҳсил олишган, ҳозир ҳам ўқимоқдалар.

Миллий маданият манбаларини ўрганиш, анъаналарни авайлаб асраш ва ривожлантириш, буюк замонамизга муносиб асарлар яратиш, ифоданинг янги шаклларини излаш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш — бугунги кунда Қорақалпоғистон бастакорлари олдида турган вазифалардир.

Т. АДАМБОЕВА,
Қорақалпоғистон Композиторлар союзи правлениесиниң раиси, музикашунос.

⊙

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари билан янги қувончли учрашувлар арафасида қорақалпоқ рассомлари асарларининг биринчи кўргазмаси мана шу ерда, олис 50-йилларда ўтганлигини эслаш ўринлидир.

Бу қорақалпоқ совет тасвирий санъати оёққа тураётган даврлар эди. Шу йиллар ичида рассомларимиз пейзаж этюдларидан ҳозирги замон ва қаҳрамонона тарих воқеаларига бағишланган катта тематик полотнолар яратишга ўтдилар, тасвирий санъатнинг кўплаб жанрларини эгалладилар. Фольклор мотивларини, миллий нақшларни дадил ишлаб чиқараётган қорақалпоқ ҳайкалтарошларининг асарлари янгича мазмун ва шакл касб этмоқда.

Монументал ва манзарали-амалий санъат фаол ривожланмоқда. Рассомларимиз автоном республика шаҳарлари ва район марказларининг ташқи кўриниши шакллашишига тобора дадилроқ таъсир кўрсатмоқдалар. Улар халқимизнинг меҳнат зафарлари, Қорақалпоғистон ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳақида ёрқин, образли тилда ҳикоя қилмоқдалар, она-заминн гўзаллигини куйламоқдалар.

Қорақалпоқ тасвирий санъатининг шаклланишида ўзбек мўйқалам усталари ва ўймакорлари катта ёрдам кўрсатдилар. А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институти, П. Беньков номидаги рассомлик билим юрти автоном республика санъати учун чинакам кадрлар ўчоғига айланди. Ж. Шомуротов номидаги Нукус санъат билим юртида ёш рассомларни ўзимиз тайёрлаётган ҳозирги вақтда ҳам Тошкент улар учун совет халқи ютуқларининг бадиий солномасини яратиш йўлида касб-кор чўққиларини эгаллайдиган олий мактаб бўлиб қолаверади.

А. АЛЛАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Рассомлар союзи правлениесиниң раиси, санъатшунос.

Меҳнат илғорлари

Бугунги кунда Қорақалпоғистон АССР халқ хўжалиги ва экономикаси тараққиётини фидойи касб эгалари меҳнатисиз тасаввур қилиш қийин. Улар партиямиз амалга ошираётган қайта қуриш сиёсатига ўлканинг ҳалол меҳнатлари жонкуярлиги, куюнчаклик сингари фазилатларни бойитмоқдалар. Ўйинда биз ана шундай фидойиларнинг айримлари билан таништирамиз:



⊙ **ВЛКСМ XX съезди делегати Аноргул Бобоева У механизаторлик касбини шарафлаш билан бир қаторда бригада комсомолларининг етакчиси ҳамдир.**



⊙ **Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ўрикбой Абдуллаев.**



⊙ **2-республика касалхонасининг врач-невропатологи Тлеубека Бекниёзова.**

А. Линвар, Н. Ким фотолари ва Н. Корнеев чизган расм.



СУРАТДА: Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукуснинг бугунги кўриниши. К. Ўрозов фотоси.

Миннатдорчилик каломи

Китоб жамият ҳаётида жуда катта роль ўйнаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Муболағасиз айтиш мумкинки, жаҳон цивилизациясининг тараққиётига таъсир этувчи қадриятлар қаторида китоб ҳақли равишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Совет халқи мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифасини ҳал қилаётган шу кунларда адабиёт ва санъатнинг ҳар бир совет кишиси дунёқарашини шакллантиришдаги, унинг маърифатлилиги, касб-кор ва маданий савиясини оширишдаги роли муҳим даражада ортади.

Партия XXVII съезди қабул қилган КПСС Программасида шундай дейилади: «Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадиий акс эттириш, янги, илғор нарсаларни жўшқинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб ҳаракат қилишига халақит бераётган барча нарсаларни эҳтирос билан фош қилиш — адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўналишдир».

КПСС ноширлик масалаларига катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам шундай. Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, китоб, газеталарнинг тиражи кўпаймоқда, уларнинг мазмундорлиги ортиб бормоқда.

Маълумки, китоб нашр этиш жараёни қийин ва кўп мураккаб иш. Бу борада биронта ҳам нашриёт кучларни бирлаштирмай, мужассамлаштирмай туриб, муваффақиятга эришолмайди. Шунинг учун ҳам биз тошкентлик матбаачилар кўрсатаётган ёрдамни ҳамиша миннатдорчилик билан тилга оламиз.

Агар ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ноширлик соҳасидаги дўстона алоқалари тарихи тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ҳолда қорақалпоқ тилида нашр этилган биринчи китоб — «Алпомиш» қаҳрамонлик эпоси 1902 йилда Тошкентда босилганини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Совет ҳокимияти йилларида бу ҳамкорлик чинакам қардошларча дўстликка омухта бўлиб кетди.

Маълумки, яқин йилларга қадар рангли дарсликларни нашр этиш учун биз ўз базамизга эга эмас эдик. Тошкент офсет босма фабрикасининг матбаачилари қорақалпоқ мактаб ўқувчилари серфайз рангли дарсликларга эга бўлишлари учун кўпгина ишларни амалга оширдилар. Масалан, шу босмахона базасида қорақалпоқ мактабларининг 1-синфи учун «Алифбе», «Ўқиш китоби», «Рус тили расмларда» дарсликлари босилди, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун қорақалпоқ тилида бир қатор чиройли китобчалар нашр этилди.

Тошкентдаги 1-босмахона ишчилар синфини илиқ сўзлар билан эсламай бўладими? Бу корхона матбаачилари ҳар йили нашриётимизнинг автоном республика полиграфия базасида нашр этадиган китоблари ҳажмига тенг келадиган адабиётларни босиб чиқаради.

...Агар биз қорақалпоқ китобхонлари жовонларига фикран назар ташлайдиган бўлсак, у ерда Тошкент матбаачилари чоп этган Бердақ, Ажиниёз, Кунхўжаларнинг назмий мероси билан ёнма-ён Навоий, Ойбек, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг қорақалпоқ тилида чиққан ажойиб асарларини кўришимиз турган гап.

Бу қорақалпоқ ва ўзбек ноширларининг кўп томонлама мустаҳкам ҳамкорлигидан бир томчи, холос.

Ана шу йўналишдаги ишларимизни такомиллаштиришнинг бундан буёнги йўллари қандай бўлади? Ҳозирги вақтда Ўзбекистон нашриётлари қорақалпоқ ёзувчилари ҳамда олимларининг асарларини тарғиб қилиш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Биз бу мунтазам характерга эга бўлишини, яъни ҳар йили нашриётларнинг тематик планларида автоном республика муаллифларига тегишли жой ажратилишини истар эдик. Нукус полиграфия комбинати офсет цехининг ишчилари рангли китобларни босишда тошкентлик юқори малакали мутахассислардан ёрдам кутадилар.

Қорақалпоқ ноширлари автоном республика меҳнаткашларининг маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш юзасидан ўз олдиларига қўйган кенг кўламли вазифаларни ижодий, юксак масъулият туйғуси билан ҳал этадилар.

Ш. УСНАТДИНОВ,
«Қарақалпақстан» нашриёти директори.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР – УМУМХАЛҚ МУЛКИ

Ўтмиш маданий меросини сақлаш муаммолари ҳозир жамоатчиликни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ташвишга солмоқда. Ахборот воситалари ҳар бир халқ маънавий бойлигининг муҳим қисмини ташкил этувчи бу соҳа активлиги ошганига муттасил диққатни жалб қилмоқда.

Маданият ёдгорликларини сақлаш, уларни таъмирлаш масалалари ҳам автоном республикада ўз ечимини топаётир. Қорақалпоғистон махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш участкасининг ташкил этилиши айнан шу ўтмишнинг қимматбаҳо меросини келгуси авлодлар учун асрашдек олижаноб интилиш билан боғлиқдир.

Автоном республикада эса, асрашга лойиқ ёдгорликлар анчагина. Территориямизда 40 дан зиёд меъморчилик обидалари ва ансамбллари мавжуд. Улар орасида ЮНЕСКО эълон қилган қадимий ёдгорликлар рўйхатига кирган Музлимхон сулув мақбараси каби ўрта аср шарқ меъморчилигининг дурдонаси ҳам бор.

Участкамиз коллективи ўз зиммасига юклатилган олижаноб ишга тушунган ҳолда ёндошмоқда. Участка йил сайин ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда. Ҳозирги кунда Беруний районидаги Султон Воиз бобо мақбарасидаги ишлар ниҳоясига етай деб қолди, бошқа объектларда ҳам анчагина ишлар қилинди.

Биз ўз ишимизда Ўзбекистон маданият ёдгорликларини консервациялаш ва таъмирлаш илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-қидирув институтининг ёрдамини доим ҳис этиб турамиз. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, моддий-техника таъминоти ўз вақтида келиб туради, муттасил маслаҳатлашув ишлари олиб борилади.

Лекин шунга қарамай, бундан ҳам кўпроқ ишларни қилиш мумкин эди. Масалан, бу йил Хўжайли районидаги Мадаминхон мақбарасини таъмирлаш борасидаги ишларни ниҳоясига етказишимиз мумкин эди, лекин ажратилган маблағ тугаб қолди, бошқа объектлар маблағини жалб қилишга эса, бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Маблағнинг бундай тарқоқлиги иш суръатига тўсқинлик қилади, бизни одамлар ва материалларни бошқа жойга кўчириш бўйича кўплаб ортиқча ҳаракат қилишимизга мажбур этади. Асосий гап шундаки, биз объектларда йиллаб ишлаймиз. Ҳолбуки, омманинг маданий ишлар ўчоғига айланиши, туристик маршрутларга киритилиши учун бизларни қисқа муддатда фойдаланишга топширишимиз лозим.

К. ЖОЛМАГАМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Область соғлиқни сақлаш бўлими ва унинг жойлардаги муассасалари ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёвандликка қарши курашишни кучайтириш юзасидан қатъий позицияни эгаллаганлари йўқ, наркология хизмати ишини тартибга сололмадилар, унинг моддий базасини мустаҳкамлашга эришмадилар.

Хушёрлик учун кураш жамияти ташкилотларини тузиш ишлари суст олиб борилмоқда. Бундай ташкилотлар Тошкент шаҳридаги қарши икки меҳнат коллективининг биридагина, маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг айримларидагина тузилган, холос.

Вино-арақ маҳсулотлари савдоси қоидаларини қўпол равишда бузишга йўл қўйилмоқда, уларни заводлар, томошахоналар ва болалар муассасалари яқинида сотишнинг кўплаб фактлари учраб турибди.

Партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, комсомол комитети аҳолининг оммавий равишда спорт билан шуғулланишини яхшилаш, маданият ва спорт муассасаларидан самарали фойдаланиш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаяптилар. Оммавий ахборот воситалари алкоголга қарши пропаганда активлигини сусайтириб юбордилар.

Бюро шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, кўнгилли хушёрлик жамияти эътиборини ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлигига қаратди ва уларга бу масалада мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш, хотиржамлик ва бепарволик ҳолларига принципиал баҳо бериш вазифасини юклади.

Бюро мажлисида «Правда» газетасининг 6 сентябрь сонида эълон қилинган «Обкомдан қўнғироқ» мақоласи муҳокама қилинди.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 1987 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ОБКОМДАН ҚЎНҒИРОҚ» МАҚОЛАСИ ТЎҒРИСИДА

Область партия комитети шуни таъкидлайдики, «Правда» газетасининг 1987 йил 6 сентябрь сонида эълон қилинган «Обкомдан қўнғироқ» мақоласида диннинг таъсирига қарши курашдаги, атеистик кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар, диний хатти-ҳаракатларга нисбатан ҳужумкор позицияда турган активистларга эътиборсизлик тўғри . кўрсатиб ўтилган. Областда бу ишнинг савияси шу куннинг талабларига, КПСС XXVII съезди илгари сурган қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг долзарб вазифаларига жавоб бермайди.

Динга қарши пропагандада изчиллик, чуқур илмийлик, қатъият ва ҳужумкорлик етишмаяпти. Ҳозирги вақтга қадар бу пропаганда маркази динга ишонувчиларнинг асосий оммаси, диний маросимлар қилувчи шахслар орасига кўчирилмаган.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими (ўртоқ К. Р. Расулов), жойлардаги партия комитетлари ҳақиқий аҳволни яхши билмайдилар, қабул қилинаётган қарорларни бажариш ва уни назорат қилишни ёмон ташкил қилмоқдалар, бунинг оқибатида улар ўтказаётган тарқоқ тадбирлар кўпинча етарли самара бермаяпти. Атеистик ишга раҳбарликни шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари зиммасига юкланганлиги Олмалиқ шаҳри (ўртоқ А. А. Абдувосиқов), Чирчиқ шаҳри (ўртоқ Ю. А. Асепков), Оҳангарон (ўртоқ Т. М. Миркомилов), Бўка (ўртоқ Ҳ. А. Пирнафасов), Пискент (ўртоқ А. Йўлчиев), Чиноз (ўртоқ В. Г. Гришчук), Собир Раҳимов (ўртоқ Т. М. Аҳмедов), Ҳамза (ўртоқ Ф. Н. Нажмиддинов) ва бошқа районлардаги диний аҳволда ҳозирча жиддий ўзгаришга олиб келмади. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари диннинг социал тараққиёт тўғаноғининг асосий элементларидан бири сифатидаги хавфига етарли баҳо бермаяптилар.

Областда диний маросимчилик даражаси, мачитлар, черковларга бораётган динга ишонувчилар процценти ҳамон юқори бўлиб турибди, айниқса диний байрамлар кунларида улар сони кўпаймоқда.

Партия комитетлари ва совет органлари кучли социал сиёсатни ўтказишда, одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга эътибор беришда етарлича қатъият кўрсатмаяптилар. Уйжой билан таъминлашдаги, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший, савдо, маданий хизмат кўрсатишни ривожлантиришдаги мавжуд қолоқлик диннинг яшовчанлиги, маросимчиликнинг сақланиб қолишига сабабчи бўлмоқда. Областда болалар ўлими энг юқори даражада бўлган Оҳангарон, Бўка районлик эмизикли болалари бор аёллар «Парпи ота» зиёратчилари орасида кўпчиликни ташкил қилаётганлиги бежиз эмас.

Диний маросимларга риоя қилаётган партия аъзоларига нисбатан талабчанлик сусайтириб юборилган. 1987 йилнинг тўққиз ойи ичида диний хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб қўйганлиги, маросимларда шахсан қатнашганлиги учун 11 киши КПСС сафларидан ўчирилди ва партиявий жазо олди. Ваҳоланки, бундай коммунистлар сони аслида анча кўп эди.

Коммунистлар аттестацияси атеистик ишнинг аҳволи, диний сарқитларга қарши курашда партия аъзоларининг масъулиятини оширишнинг самарали воситаси бўлиб қолгани йўқ. Турли сабабларга кўра 256 коммунист аттестациядан ўтолмади. Лекин уларнинг орасида диний таъсирга берилганлиги сабаб қилиб аттестациядан ўтказилмаган бирор коммунист йўқ.

Динга қарши пропагандада ҳозир область бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот ва сайловларнинг имкониятларидан дурустроқ фойдаланилмаяпти.

Область ижроия комитети, шаҳар, район ижроия комитетлари дин тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши учун кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини етарли назорат қилмаяптилар. Дин ишлари кенгашининг Тошкент областидаги вакилининг аппарати (ўртоқ М. Х. Юсуфхўжаев), шаҳар, район ижроия комитетларининг кўмаклашувчи комиссиялари конфессиялар, айниқса, сектантлик уюшмаларида ўтадиган жараёнларга, руҳонийлар ва черков активининг аҳолига таъсир қилиш форма ва методларига чуқур кириб бормаяптилар. Мураккаб диний аҳвол давом этаётганлигига қарамай дин ишлари кенгашининг Тошкент шаҳридаги вакили лавозими 1986 йил октябрдан буён бўш турибди.

Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида, Бўстонлиқ, Ҳамза районларида кўп вақтдан буён ташаббусчи баптистлар, адвентист-реформистлар, иеговачилар, пятидесятниклар, ҳақиқий православ черкови деб аталмиш черков тарафдорлари норасмий мазҳаблари иш олиб бормоқда. Ангрен шаҳри, Бўстонлиқ, Ғалаба, Тошкент, Акмал Икромов, Октябрь ва бошқа районларда сохта муллалар ҳуқуққа зид фаолиятларини давом эттирмоқдалар, норасмий мачитлар ишлаб турибди. Тегинхўрлик билан кун кўраётган турли хил азаймихонлар ва товламачиларга нисбатан тоқат қилиб бўлмайдиган даражада муросасозлик қилиб келинмоқда. Айни вақтда Тошкент шаҳрининг бир қатор маҳалла комитетларида тўпланган атеистик иш тажрибаси, янги маросимларни жорий қилиш яхши тартиб қилинмаяпти ва кенг ёйилмаяпти.

Область комсомол комитети (ўртоқ Ғ. Усмонхўжаев) динга қарши иш билан суст шуғулланмоқда. Район комсомол комитетлари атеистик тарбияни кўпинча оммавий тадбирлар ўтказиш, диний белгили нарсалар тақиб юрувчиларни аниқлаш билан чеклаб қўймоқдалар, якка тартибда пухта иш олиб боришни эътибордан четда қолдирмоқдалар. Ёшларни ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, айниқса, чақириқ ёшигача бўлганлар тарбиясида йўл қўйилаётган нуқсонлар ёшларнинг диний ваҳдан ҳарбий қасамёд қабул қилишдан бош тортиши ҳолларига олиб келмоқда. Бундай ҳоллар Бўстонлиқ, Ҳамза ва бошқа районларда учради.

Коммунистик ахлоқни тарбиялашдаги жиддий камчиликлар ўқув юртларида учрамоқда. Тошкент шаҳридаги политехника, тўқимачилик, педагогика институтлари ва Ангрен педагогика институти студентлари, Бўка район мактаб ўқувчиларини сўров қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг 60 процентигача турли сабаблар билан диний маросим ва урф-одатларга риоя қилар эканлар, кўпчилиги атеизм масалаларига бефарқ қарар эканлар. Мактабларда изчил атеистик иш олиб борилмаяпти.

Ҳалигача атеистик кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланишнинг қатъий системаси йўқ. Областда ислом ва бошқа динлар бўйича малакали мутахассислар бармоқ билан санарлидир. Атеистик ишнинг активистларини аниқлаб топиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга етарли эътибор берилмаяпти. Область семинарида ўқиган ҳар беш лектордан бири амалда тарғибот ишида қатнашмаяпти. Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги икки йиллик мактабларда машғулот сифатсиз, паст методик савияда олиб борилмоқда.

Область партия комитетининг фан ва ўқув юртлари бўлими (ўртоқ Ш. И. Жалилов) атеистик ишни қайта қуриш масалаларига ўзССР Фанлар академиясининг бўлимларидаги йирик илмий кучларни, шунингдек, олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедраларида ишлаётган атеист олимларни жалб қилмаяпти. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг республикалараро филиали билан самарали алоқа йўлга қўйилмаган. Республика илмий атеизм уйинниг область филиали (ўртоқ Б. Тожибоев) ўзининг ўн саккиз йиллик фаолияти давомида динга қарши пропагандининг чинакам илмий методик марказига айлангани йўқ.

Область партия комитетининг матбуот, радио ва телевидение сектори (ўртоқ Э. М. Эрназаров) атеистик пропагандани олиб бериш борасида оммавий ахборот воситаларига раҳбарликни бўшаштириб юборган. Шаҳар ва район газеталари атеистик мақолалар сонини умуман кўпайтирган бўлишларига қарамай, бу чиқишларнинг етарли даражада чуқур ва илмий, жанговар ва конкрет бўлишига эришмадилар. Аксарият мақолалар диннинг зарари тўғрисидаги умумий мулоҳазалардан иборат, конкретликдан маҳрумдир. Бу нуқсонлар аввало, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Тошкент районларининг ва бошқа бир қатор районларнинг газеталари учун характерлидир. Динга қарши мақолалар конкрет мисоллар билан етарли даражада асосланиб берилмаяпти.

«Правда» газетасида ҳақконий равишда таъкидланиб ўтилганидек, атеистик ишда Ғалаба районида (К. Х. Холмирзаев, Г. А. Аседова ўртоқлар) катта нуқсонларга йўл қўйилган. Бу ерда ана шу масалаларга ҳамон етарли эътибор берилмаяпти. Район партия комитети область партия комитетининг 1986 йил декабридаги бюросининг атеистик тарбиядаги камчиликлар тўғрисидаги танқидий эътирозларидан лозим даражада хулоса чиқариб олмади. Район партия ташкилотларининг динга қарши пропаганда бўйича фаолиятида масалалар чуқур таҳлил қилинмайди, уларга илмий ёндошилмайди, енгил-елпилик мавжуд. Атеист лектор кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликлар бор.

Область партия комитети бюроси КПСС Марказий Комитетининг атеистик тарбияни такомиллаштириш борасидаги кўрсатмаларини, шунингдек ўз қарорларини бажариш юзасидан обкомнинг пропаганда ва агитация, фан ва ўқув юртлари бўлимларининг, шаҳар, район партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий иши давр талабларига, қайта қуришнинг актуал вазифаларига ҳали жавоб бермайди, деб таъкидлади.

Атеистик ишдаги жиддий камчиликлар учун область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири ўртоқ К. Р. Расуловга виговор эълон қилинди. Атеист-лектор ўртоқ Ғ. Р. Умаровга нисбатан обком ходимлари ва Ғалаба район партия комитети томонидан нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари область партия комитетининг «Ғалаба ва Бўстонлиқ районларида атеист кадрлар билан ишлашнинг аҳволи тўғрисида» 1986 йил 26 декабрдаги бюро қарорида баҳо берилганлигини эътиборга олиб мазкур масала юзасидан муҳокама билан чекланилди, ўртоқ Э. М. Эрназаров партиявий тартибда жазоланганлиги эътиборга олинди.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация, фан ва ўқув юртлари бўлимлари (К. Р. Расулов, Ш. И. Жалилов ўртоқлар)дан аҳолини ғоявий-сиёсий тарбиялашда атеистик ишнинг ролига етарли баҳо берилмаётганлигига қатъий чек қўйиш, бу ишдаги жиддий нуқсонлар ва камчиликларни бартараф этиш талаб қилинди.

Атеистик пропаганда кадрларига алоҳида эътибор берилиши керак. Уларга доимий ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатилиши, уларнинг обрўси оширилиши лозим.

Область партия комитети юқоридаги бўлимларига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шунга алоқадор институти, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг республикалараро филиали ва республика илмий атеизм уйининг область филиали билан биргаликда бир ой ичида атеистик тарбиянинг узоқ муддатли программаси, атеистик иш олиб борувчи кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси юкланди. Бу таклифларнинг муддатлари аниқ бўлиб, конкрет натижаларни кўзлаши керак.

Олмалиқ шаҳар партия комитети (ўртоқ А. Абдувосиқов), Чирчиқ шаҳар (ўртоқ Ю. А. Асепков), Бўка (ўртоқ Ҳ. А. Пирнафасов), Пискент (ўртоқ А. Йўлчиев), Собир Раҳимов (ўртоқ Т. М. Аҳмедов), Ҳамза (ўртоқ Ф. Н. Нажмиддинов) район партия комитетлари секретарлари атеистик ишга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари қатъий кўрсатиб ўтилди. Улардан диннинг реакцион таъсирига қарши курашни кучайтириш, турмушга совет маросимлари ва анъаналарини кенг жорий этиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаш талаб қилинди.

Шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига мазкур қарорни кенгайтирилган бюро мажлисларида муҳокама қилиш, динга қарши ишни тубдан қайта қуриш юзасидан тўлиқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юкланди. Бу тадбирларда асосий эътибор атеистик пропагандининг илмий методик савияси, ҳужумкорлиги ва изчиллигини қатъий оширишга қаратилиши, бу ишнинг маркази динга ишонувчилар асосий оммаси ҳамда диний таъсирга берилганлар орасига кўчирилиши лозим. Диний маросимларни амалга оширадиган коммунистлар ва комсомоллардан талаб кучайтирилиши, атеистик ишда уларнинг шахсан иштирок этиши масъулияти оширилиши, шу мақсадларда КПСС аъзоларини аттестация қилишдан фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси юкланди. Бу таклифларнинг муддатлари аниқ бўлиб, конкрет натижаларни кўзлаши керак.

Олмалиқ шаҳар партия комитети (ўртоқ А. Абдувосиқов), Чирчиқ шаҳар (ўртоқ Ю. А. Асепков), Бўка (ўртоқ Ҳ. А. Пирнафасов), Пискент (ўртоқ А. Йўлчиев), Собир Раҳимов (ўртоқ Т. М. Аҳмедов), Ҳамза (ўртоқ Ф. Н. Нажмиддинов) район партия комитетлари секретарлари атеистик ишга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари қатъий кўрсатиб ўтилди. Улардан диннинг реакцион таъсирига қарши курашни кучайтириш, турмушга совет маросимлари ва анъаналарини кенг жорий этиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаш талаб қилинди.

Шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига мазкур қарорни кенгайтирилган бюро мажлисларида муҳокама қилиш, динга қарши ишни тубдан қайта қуриш юзасидан тўлиқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юкланди. Бу тадбирларда асосий эътибор атеистик пропагандининг илмий методик савияси, ҳужумкорлиги ва изчиллигини қатъий оширишга қаратилиши, бу ишнинг маркази динга ишонувчилар асосий оммаси ҳамда диний таъсирга берилганлар орасига кўчирилиши лозим. Диний маросимларни амалга оширадиган коммунистлар ва комсомоллардан талаб кучайтирилиши, атеистик ишда уларнинг шахсан иштирок этиши масъулияти оширилиши, шу мақсадларда КПСС аъзоларини аттестация қилишдан фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси юкланди. Бу таклифларнинг муддатлари аниқ бўлиб, конкрет натижаларни кўзлаши керак.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК СОЛНОМАСИ

1919 ЙИЛ

Тошкентда биринчи шанбалик 1919 йилнинг 17 октябрь куни бўлиб ўтди. Унинг ташаббускорлари коммунист-темирйўлчилар бўлишди. Тошкент станциясида ўтказилган бу шанбаликни бошқа корхоналарнинг ишчилари ҳам қўллаб-қувватлашди. Темирйўлчиларнинг дастлабки шанбалигидан сўнг ўша йилнинг 18, 25 октябрь кунлари ҳам шанбаликлар ташкил этилди. Уларда 1500 киши қатнашди.

Маълумки, бу даврда аҳвол бирмунча мураккаб бўлиб, корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш зарур эди. 1 декабрда ёғ-мой заводи касаба союзлари совети барча меҳнатчиларга ва касаба союз аъзоларига меҳнат унумдорлигини кўтариш даъвати билан чиқдилар. Совет ва жамоат ташкилотлари интизомни бузувчиларга қарши курашнинг конкрет чора-тадбирларини белгиладилар.

Айрим ташкилотларда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари кескин муҳокама этилди. Бундай муҳокамалар бевосита ишчи ва хизматчиларнинг кенг иштирокида ўтказилар, таъсир чоралари ҳам қаттиқ бўларди. Масалан, шу йилнинг 11 апрелида айрим фабрикаларда прогул қилган кишини ишдан бўшатиш, ҳатто революцион судга беришга аҳд қилинган эди. Интизомни мустаҳкамлаш ишига шаҳар партия ташкилотлари катта ҳисса қўшдилар.

Март ойида эса интизомни бузувчилар тўғрисида жамоат фикрини туғдиришга, ўз вазифасига ҳалол ва жиддий муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди. Негаки, республика саноатининг каттагина қисми фронт эҳтиёжлари учун маҳсулотлар тайёрлар эди. Улар орасида Ўрта Осиё Бош темир йўл устахонаси, целлюлоза заводи, механика заводи ва бошқа корхоналар бор эди.

1920 ЙИЛ

Фронтга ёрдам ҳафталиги уюштирилди. Шаҳарда бу ишни пухта йўлга қўйиш учун махсус Марказий комиссия тузилди. Тошкентда бу комиссиядан ташқари яна иккита комиссия иш олиб борди. Эски шаҳар ва янги шаҳарда фронтга ёрдам кўрсатиш комиссиялари тузилди. Уларнинг таркибига партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кирган эди.

Марказий комиссияда асосан тошкентликлар эски шаҳар райкомининг вакили Т. Абдулқосимов, эски шаҳар район ижроия комитетидан Ғ. Абдурасулхўжаев, биринчи райкомдан Ғ. Исажонов, иккинчи райкомдан М. Юсуфжонов ва бошқалар бор эди. Комиссия бу тадбирнинг аҳамияти тўғрисида меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш олиб борди.

Шу йилнинг биринчи ярмидаёқ бир неча бор ҳафталиклар ташкил этилди. Бутун шаҳар аҳолиси бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлади. Масалан, 18 январь куни металлчилар союзи йиғилишида иш вақтидан ташқари икки соат фронт учун ишлаб бериш, қизил армиячиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатишга қарор қилинган эди. 21 январь куни ҳафталик ўтказилди.

Туркистонда Марказий Россиядан намуна олиб, фронт учун шанбалик ва якшанбаликлар ташкил этилди.

Доҳиймиз В. И. Ленин коммунистик шанбаликларни катта истиқболга эга бўлган қудратли бир куч деб билган эди. Шанбаликларнинг халқаро аҳамиятини таъкидлаб, янги, коммунистик жамиятнинг куртаклари деб ҳисобланган эди.

Туркистонда юқорида таъкидлаганимиздек, коммунистик шанбаликларнинг ташаббускорлари Тошкент большевикларидан бошчилигидаги темирйўлчилар бўлишди. Большевиклар фақат шанбалик ва якшанбаликлардагина қатнашиб қолмай, балки бу ишнинг жуда катта аҳамиятини кенг тушунтирдилар.

1920 йил бошларида Тошкент шаҳар партия комитети меҳнат унумдорлигини оширишда актив қатнашишга, коммунистик шанбалик ва якшанбаликларда қизғин иштирок этишга даъват этди.

Шу йили шанбаликлар янада уюшқоқлик билан ўтказилди. У мунтазам тус олди ва самаралари ҳам анча яхши бўлди. 1920 йил ўрталарига келиб Тошкент партия ташкилоти қошида шанбаликлар бўлими ташкил этилди. 1920 йил 15 июль куни эски шаҳар район партия комитети шанбаликлар ўтказиш махсус бюросини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таркибига актив ташаббускорлар киргилдар.

Шанбаликларда биринчи ва тўртинчи пахта тозалаш заводлари, ёғ-мой заводи ва бошқа корхоналарнинг ишчи-хизматчилари айниқса активлик кўрсатдилар.

1920 йил 13 июль куни Тошкент темир йўли комсомолларининг умумий йиғилишида ёшларнинг шанбалик ва якшанбаликлардаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Комсомоллар «Зарбдор меҳнат ротаси» тузишга қарор қилдилар. 30 июль куни эса Тошкент касаба союзлари конференцияси барча меҳнаткашларга бир жон, бир тан бўлиб якшанбаликка чиқиш ва зарбдорона меҳнат қилишга даъват этди. Тошкентнинг касаба союз ва комсомол ташкилотлари йиғилишларида меҳнаткашлар вакилдари зарбдорона меҳнат қилиб, пролетариат ишига садоқатларини амалий ишда намоён қилажакларини айтишди.

1920 йил 1 августда Тошкент большевистик ташкилотининг шанбаликлар бюроси якшанбалик қатнашчиларига мурожаат қилиб, қаҳрамонона меҳнатнинг қанчалик муҳимлигини таъкидлади. Унинг халқ хўжалигини тиклашдаги аҳамиятини кўрсатиб берди.

Партия чақириғига жавобан меҳнаткашлар «баббай» деб ишга отландилар. Ҳатто якшанбалик куни аввалларги жамоат ишида қатнашмаган кишилар ҳам актив қўшилдилар. Масалан, эски шаҳар касалхоналарида 50 ўзбек хотин-қизи якшанбаликка чиқди. Уларнинг фидокорона меҳнати кўпчиликни мамнун этди. Бу якшанбалик ҳақиқатан ҳам ўзбек хотин-қизлари ҳаётида ажойиб воқеа бўлди. Ўзбек хотин-қизларининг биринчи марта коммунистик меҳнат байрамида қатнашишлари ҳақиқатдан ҳам подиёнага айланиб кетганди.

1 август якшанбалигида эса бутун Тошкент шаҳри бўйича 25 мингдан зиёд киши, шу жумладан эски шаҳарнинг 12 мингдан кўпроқ аҳолиси иштирок этди.

Шанбалик ва якшанбаликларни фақат байрам кунларига боғлаб эмас, оддий кунларда ҳам ўтказиш анъана бўлиб қолди. Масалан, 1920 йилнинг тўрт ойи ичида шаҳарда еттита якшанбалик ўтказилди. Уларда 26 мингга яқин киши қатнашди. Уларнинг саккиз мингга яқини коммунистлар эди. Шанбаликларда фақат юкларни тушириш билан шуғулланмасдан, балки паровоз, вагон, йўлларни ремонт қилиш, кийим-кечак тайёрлаш, ховли ва биноларни саранжом-саришта қилишга ҳам катта эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда шанбаликлар меҳнаткашларнинг Совет ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун янгидан-янги намойиш қилди. Шундай қилиб, оғир гражданлар уруши йилларида — мамлакатда вайронагарчилик, очлик ҳукм сурган бир пайтда, хом ашё, ёқилғи, малакали ишчилар етишмаган бир пайтда Тошкент ишчилар синфи, меҳнаткашлари, партия ва совет органлари ҳодимлари катта ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Улар замонамизнинг ҳақиқий фидойилари эдилар!



⊙ Шаҳримизнинг Революция кинотеатрида меҳнат ғалабаси билан боғлиқ тадбирлар ўтказилади. Р. Шарипов фотоси.

Мардлик қонуни билан

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

МИЛИЦИЯ КИЧИК СЕРЖАНТИ О. А. НОРХЎЖАЕВНИ ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хавфли жиноятчини ушлашда кўрсатган мардлиги ва фидокорона ҳаракатлари учун милиция кичик сержанти марҳум Олимхон Абдуазимович Норхўжаев Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль. 1987 йил 12 октябрь.

Кичик сержантнинг жасорати



У Ички ишлар органларида узоқ хизмат қилгани йўқ. Тўғриғоғи бу нарса унга насиб этмади. Олимхон Норхўжаевни Сароғоч районлараро хўжалик бирлашмаси комсомол-ёшлари йўлланма билан ички ишлар органларига ишга юборди. У таржимаи ҳолида шундай деб ёзган эди: «Авлодларимдан ҳеч бир киши милицияда хизмат қилган эмас. Мен уларнинг ягона вакили сифатида халқимизнинг тинч, осойишта меҳнатини виждонан ҳимоя қилишга ваъда бераман.»

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган куни биз милиция катта сержанти Тошкент давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси йўл-патруль хизматининг инспектори Ҳасан Ниғмонов билан учрашдик. У Олимхон билан бир взводда хизмат қилганлигини фахр билан эсга олди.

— Ниҳоятда тиришқоқ, ўз ишини мукаммал биладиган йигит эди. Взвод комсомол ташкилотининг етакчиси сифатида жамоат топшириқларини иштиёқ билан бажарарди. Муҳими ишга виждонан ёндошарди. Воқеаларнинг моҳиятини очишда хато қилмас эди.

Олимхон Норхўжаев ўз таржимаи ҳолида битган сатрларга амал қилди. Ўша мудҳиш воқеа юз берган куни, яъни 1987 йилнинг 14 мартида хизмат бурчини ўтаётган эди. Тунги соат бирларда Г. Ильиннинг гаражидан «И 25 41ТН» рақамли «ВАЗ — 2121» автомобили ўғирлаб кетилганлиги ҳақидаги хабар олинди. Жиноятчи анча пухта иш кўрган. Иккита қулфни очган ва ўрнатилган сигнализацияни даҳлсизлантирган эди.

Ҳабар дарҳол барча милиция ходимларига, йўл-патруль хизматининг инспекторларига етказилди. Олиб қочилган машинани биринчи бўлиб йўл-патруль хизмати катта инспектори катта лейтенант И. Иброҳимов пайқади. У ТошМИ яқинидаги чорраҳада бораётган сержант И. Мирзаев ва кичик сержант О. Норхўжаевдан иборат экипажга жиноятчининг белгиларини ва у олиб қочган машина Қўйлиқ йўналиши томон ҳаракатланиб бораётганлигини хабар қилди.

Экипаж аъзолари дарҳол кўприкни тўсиб қўйишди. Бир неча машиналар кўндаланг қилиб қўйилди. Шу пайт катта тезликда жиноятчи бошқариб келаётган машина яқинлашиб кела бошлади. У тўппа-тўғри техникалардан ташкил қилинган девор томон борар эди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Шу пайт деворда узилиш пайдо бўлди. Такси машинаси четга чиқди. Ана шу такси машинаси турган оралиқ масофага машина кириб келди.

Жиноятчи қочиб кетишга улгуришини дарҳол англаган Олимхон Норхўжаев ўзини машинанинг капоти устига отди. Бир амаллаб ойна тозалагични тутиб олдида, жиноятчини тўхташга даъват қилди. Лекин у кичик сержантни нима бўлса ҳам учириб юбориш ниятида машинани чайқалтириб ҳайдай бошлади. Машина Воровский кўчасига бурилаётганда унинг ойнасини Олимхон Норхўжаев бутунлай тўсиб қўйди. Шу пайт машина шиддат билан чапга бурилди. Олимхон Норхўжаев мувозанатини йўқотиб, асфальт йўлга учиб тушди. Машина ҳам ариққа тушиб тўхтади. Қўлга тушишини дарҳол англаган жиноятчи кабинадан чиқиб уйлар орасида ғойиб бўлди. Лекин у қочиб қутулолмади.

ГАИ дивизионининг катта инспектори, милиция лейтенанти У. Ҳолмуродов, милиция сержанти Т. Рустамов, ГАИ инспектори сержант Ю. Жўраев, Киров район ички ишлар бўлимининг оператив ходими В. Мурзовлар дарҳол жиноятчи яширинган районни қуршовга олишиб, жиноятчини қўлга туширишди.

Милиция кичик сержанти Олимхон Норхўжаев оғир жароҳат билан касалхонага ётқизилди. Унинг миясн оғир жароҳатланган эди. Медицина ходимлари ҳаётини сақлаб қолиш учун барча воситаларни ишга солишди. Лекин бўлмади. У халқ манфаати йўлида 27 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Ҳа, Олимхон Норхўжаев ички ишлар органларида кўп хизмат қилмади. Лекин унинг ҳалол ва жасоратли хизмати тарих солномасига битилиб қолди. Якинда унинг оиласида ўғил фарзанд туғилди. Буви ва буваси, оиласи унга Едгор деб исм қўйишди.

М. ОТАХОНОВ.

Бувижон, ўқиб беринг

Айиқ ва қайиқ

Бундай қараса айиқ,
Сувда турипти қайиқ.
Қайиққа тушиб полвон,
Тутмоқ бўлипти балиқ.
Тўр ташлапти дарёга,
Ови келипти барор.
Кема тўлгач балиққа,
Куйлапти беихтиёр.
Нарида маймун сузар —
Кемада, қилар сайрон,
Магнитафон шўх куйлар,
Маймун рақс тушар чунон...
Маймунга қилиб тақлид,
Рақсга тушипти полвон.
Чаппа бўлганда қайиқ
Балиқлар бўпти «куён».
Айиқ ўйласа бундоқ,
Тақлид — бошга уртўқмоқ.

Забиҳилло НУРУЛЛАЕВ.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

телепрограммалар

Душанба

19 ОКТЯБРЬ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА

Профилактика муносабати билан душанба, 19 октябрь куни Тошкент шаҳри ва Тошкент области телетомошабинлари учун МТ I кўрсатувлари соат 8.00 дан 11.15 гача 11-канал орқали намойиш этилади.

Республика областлари телетомошабинлари учун МТ I кўрсатувлари соат 8.00 дан 11.15 гача ЎзТВ канали орқали намойиш этилади.

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 Футбол шарҳи. 9.55 Экранлаштирилган адабий асарлар. «Серёжа». Бадиий фильм. В. Пановaнинг шу номли ҳикояси асосида. 11.05 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 Рус тили. 17.20 Нерехта созандалари. 17.30 «Биз ҳамон ўшандаймиз...» (Лицей, 19 октябрь). 18.45 ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ. «Газомобиль: мавжуд ҳол ва истиқбол». 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 «Оптимистик миниатюра». Мультфильм (Грузия). 19.40 СЕВИМЛИ ВАТАНИМ МЕНИНГ. Фотоконкурс. 19.45 М. Горькийнинг барча пьесалари. «Васса Железнова». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. «Мен сени севаман, Россия». РСФСР бадиий ҳаваскорлар лауреатларининг якунловчи концерти. Танаффус пайтида (23.30) — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.
00.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.



● МТ II

18.35 Янгиликлар. 18.45 Футбол шарҳи. 19.05 Скрипка дуэтларини РСФСР халқ артисти Э. Грач ва Е. Грач ижро этадилар. 19.30 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бефаҳм чумчуқ». Мультфильм. 20.45 ЎЙЛАЙМИЗ, БАҲСЛАШАМИЗ, СИНАБ КЎРАМИЗ. Янги алкоголсиз байрамлар ва урф-одатларни жорий этиш ҳақида. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов» — МАСК. 2 ва 3-даврлар. 23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

* * *

17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Алгоритм ҳақида тушунча ва унинг асосий моҳияти. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Сирли сивизға». Мультфильм. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли тарихининг шонли саҳифалари».

ТОШКЕНТДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

19.00 ХАБАР. Информацион программа. 19.10 «Қувонч». Болалар учун фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 «Қорақалпоғистон — қуёшли ўлкам». Публицистик кўрсатув. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 ҚҚАССР санъат усталарининг концерти. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Музикали программа. 22.45 А. Мухтор. «Қорақалпоқ достони». Телеспектакль. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ II БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИГА. «Халқ талантлари жилваси» (такрорий). 20.35 «Даврларнинг тўфонли тўлқинида». Ҳужжатли фильм. 20.55 «Рассом ва китоб» (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚИРҒИЗИСТОНДА ЯРОСЛАВЛЬ ОБЛАСТИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ. Қирғизистон ССР маданият министри М. К. Баялинов билан интервью. 22.20 «Шерине».

Сешанба

20 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Инқилоб вакил қилган». Уч серияли телевизион бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 1-серия. 10.45 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.55 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 17.45 Куба миллий симфоник оркестрининг концерти. 18.45 «АЛЬБЕРТО». Ҳужжатли фильм премьераси (Куба). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ. ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Санъат усталари, СССР халқ артисти Игорь Горбачёв (Ленинград). 23.15 Куба артистларининг концерти. 23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Водий» Илмий-оммабоп фильм («ЦНФ»). 9.35, 10.35 География. 7-синф. Геологик қурилмалар ва СССРнинг фойдали қазилмалари. 10.05, 14.00 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига, Эстетик тарбия. 11.35, 12.35 Биология. 5-синф. Илдиз қандай ўсади. 11.55 «Март даласи хотираси». Илмий-оммабоп фильм (Ленинград).



12.05 Рус тили. 12.55 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси (А. Довженко номли киностудия). 1-серия. 14.30 Қушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 1-кўрсатув. 15.00 Янгиликлар. 15.10 «Очиқ дарс». Ҳужжатли фильм (Ленинград ҳужжатли фильмлар студияси).

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Билмасвой рулда». Мультфильм. 20.45 ... 16 ЁШГАДА ВА УНДАН КАТТАЛАР 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР» Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30. АХБОРОТ 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Кедр ўрмонсиз яшай олмайди». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.30 Табиатшунослик. Ўзбекистонда куз. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун «Бойчечак». 18.30 АХБОРОТ (рус.). 18.45 «Саодат» журнали саҳифаларида». 19.15 АХБОРОТ. 19.35 Москва. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ. ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.30 Москва ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 Экранда — кинокомедия. «Чинор остидаги дуэль» («Ўзбекфильм»). 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Биринчи ташриф». Бадиий фильм («Ленфильм»). 20.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ёрқин ҳаёт». «Совет хотин-қизлари» туркумидан. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 Чет эл фильмлари экрани. «Катта автомобиль билан содир бўлган воқеалар». Бадиий фильм (рус.). 23.25 «Балет мавзуларига вариациялар». Фильм-концерт.

Чоршанба

21 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Инқилоб вакил қилган». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3 сериялар. 12.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 ҚАЙТА ҚУРИШ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР. «Даромадлар ҳақида, соғлом фикрлаш ва кўпчиликнинг фойдаси ҳақида». Ҳужжатли фильм (Ростов кинохроника студияси). 17.15 «Нега ва нима учун?» Болалар учун кўрсатув. 17.45 «Рига ёзи». Ригадан кўрсатилади. 18.30 «Оби шифо». Телевизион ҳужжатли фильм (Душанба). 18.45 АГРОСАНОАТ: БУГУН ВА ЭРТАГА. «Дон 1500»: ҳосил билан синаш». 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИЛАР. 19.45 «Мосфильм» киностудияси намойиш этади. «Оддий одам». Бадиий фильм. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва) — «Вердер» (ГФР). Танаффус пайтида (22.45) — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Саҳро учувчилари». Телевизион ҳужжатли фильм (Ашхобод). 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10-синф. Машина варианти. Ҳисоблаш алгоритмлари. 10.05, 15.00 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига.



Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. Оналик сирлари. 11.35 Умумий биология. 9-синф. Сунъий танлашнинг ижодий роли. 12.05 Н. Тихонов поэзияси. 12.40 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 14.50 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «БИР ПОЙГА ТАРИХИ». Ҳужжатли фильм премьераси («Туркманфильм»). 19.05 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». М. Равель. 20.00 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. «Болаларимиз қандай кийинишган?» 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қандай қилиб катта бўлиш мумкин». Мультфильм. 20.50 «Кодралар таронаси». Кишиневдан кўрсатилади. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Ота-оналарга болалар ҳақида. «Хонаки кутубхона» болалар тарбиясида.

* * *

17.30 Рус адабиёти. Горький ва Ўзбекистон. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Кумуш қўнғироқча». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». «Сперанца» (Молдавия ССР) ва «Оқ олтин» (Фарғона области) командалари мусобақалашадилар. 19.10 «Социалистик қонунчилик ва демократия». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 Музикали танаффус. 19.55 Тил — маданият кўзгуси. «Нутқ маданиятини ўстириш». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 М. Қориёқубов номли концерт-филармония бирлашмасининг «Бухоро» ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 22.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь ва Ўзбекистон». 1-кўрсатув. 23.00 «Ленин йўлланмаси билан». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.40 Ритмик гимнастика. 21.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». Тошкент электромеханика техникуми ҳақида кўрсатув (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.00 «Узундан узоқ иш». Бадиий фильм (рус.).

Пайшанба

22 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 М. Горькийнинг барча пьесалари. «Васса Железнова». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 11.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 17.35 «Чашмалар». Анадирдан кўрсатилади. 17.55 ИСТЕЪДОД. Тележурнал (Латвия ССР). 18.25 СЎЗНИ АМАЛДА ИШ БИЛАН ОҚЛА. Усть-Илим ёғоч саноати комплексида социал тармоқларни ривожлантириш ҳақида. 18.55 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.10 Спорт программаси. Футбол. Европа кубоклари. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Виктория» (Бухарест) — «Динамо» (Тбилиси). Руминиядан кўрсатилади. 23.15 «ОҚ ТУНДА ГРАН ПА». Фильм-концерт премьераси (Ленинград). 23.55 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Юрак хасталигининг сири ҳам». Илмий-оммабоп фильм («КНФ»). 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10-синф. Функцияларни ҳисоблаш алгоритмлари. 10.05, 14.55 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Тарих. Ленинча «Искра». 11.35 И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар». 9-синф. 12.05 Мактаб: қайта қуриш муаммолари. 12.35



«ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2 ва 3-сериялар. 14.45 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 19.45 Халқ куйлари. 20.00 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Икки масхарабоз». 1-кўрсатув. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 «Сибирь ўйин хороводлари». Красноярскдан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом кичкинтойлар!». 8.00 «Тулпорлар, тулпорлар...». Телефильм.

* * *

17.30 Физика. Иссиқлик машиналари ва уларнинг фойдали иш коэффициенти. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильм. 18.35 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Йирик планда — инсон». Самарқанд шаҳри раҳбарларининг меҳнаткашлар ҳузуридаги ҳисоботи (рус.). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». «Яллалар, лапарлар, ҳазил қўшиқлар...». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Революция тенгдошлари». Академик К. Яшин. 22.35 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Том Сойер ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.35 Реклама. 20.45 ЎЗБЕКИСТОН. Телевизион киножурнал. 20.55 «Тошкент қишга ҳозирлик кўрмоқда». Ўзбекистон телевидениеси ва Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасининг биргаликдаги рейди (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 БЎСТОН III. Халқ ижодиёти республика телевизион конкурси. Хорог шаҳри.

Жума

23 ОКТЯБРЬ

● МТ I


8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.05 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗА Л А Р. 11.05 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЕН МУСТАҚИЛ БЎЛДИМ» Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (М. Горький номли киностудия). 17.10 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан кўрсатилади. 17.55 Владивосток тевидение студиясининг телевизион ҳужжатли фильмлари: «Шаҳрим байрамлари», «Эртанги кунга боқ». 18.45 ФАН ВА ТУРМУШ. «Озиқ-овқат программаси амалда». 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА СОВЕТ БЕЛОРУССИЯСИ. БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА «Ёпиқ эшик олдида». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»). 23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 24.00 Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Паттакесарлик Гулсара». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Ҳайвонлар қишга қандай тайёрланадилар. 9.35 «Ифода». Илмий-оммабоп фильм (Ленинград). 10.05, 14.10 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Жамиятшунослик. Империализм ва ҳозирги босқичда унинг хусусиятлари. 11.35, 12.35 Тарих. 7-синф.



Киев Руси. 12.05 Э. Григ. «Пер Гюнт». 13.05 «ЖАРОҲАТЛАНГАН ТОШЛАР». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.40 Янгиликлар. 14.50 Тарих сабоқлари. «Иккинчи фронт: муболағасиз ҳақиқат».

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Тоғларда қўшиқлар жаранглайди». Грозний шаҳридан кўрсатилади. 19.30 «Телеаукцион». Ме... соҳасидаги техника янгил... ҳақида. 20.30 «Тунингиз ... бўлсин, кичкинтойлар!», ... масхарабоз». 2-қисм. 20.45 ... ЗИКАЛИ КИОСК. 21.30 В... 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРО... ТОРИ. 22.15 «Тео Адам ... этади». 23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. ... «Тонгги тароналар». 7.30 А... РОТ. 7.50 «Салом, кичкинто... 8.00 «Ўринбосарлар улғай... «Тезликни забт этиб». Теле...

* * *

17.30 География. СССР... росаноат комплекси. 18.00 ... гиликлар. 18.10 Кўрсатувлар ... граммаси. 18.15 «Ленин уч... газетаси — меҳмонимиз... «Чорвадор» программаси... хашак жамғариш резерв... 19.30 АХБОРОТ (рус)... «Цирк! Цирк! Цирк!». 20.30 ... БОРОТ. 20.50 Ўзбек куйлар... концерт. 21.20 ДОЛЗАРБ М... ЛА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ... УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛ... ГА. «Революция тенгдошл... СССР халқ артисти М. Қ... 22.50 «Ўғил, невара, чев... Ҳужжатли фильм («Ўзки... ника»). 23.10 «Ёшлик» сту... кўрсатади. «Иқбол». Қизлар ... курс программаси (такр...

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА.

Шанба

24 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА. Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Синаб кўр, йўл» (Қозон), «Узоқ рейс» (Киев), «Нурбой довони» (Фрунзе). 10.35 «ЎРТОҚ ҚЎШИҚ». Бутуниттифоқ телевизион конкурс. Тбилисидан кўрсатилади. 11.05 VI Москва халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси. 12.10 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. 12.40 ИНСОН. ЕР. КОИНОТ. 13.25 «БУ ЕРДА КРИЛОВ БЎЛГАН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск). 13.55 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 14.25 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Фольклор кечаси» (Замбия). 14.50 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Умид ва таянч». Бадиий фильм («Мосфильм»). 16.45 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан кўрсатилади. 18.10 «БИЗНИНГ АСРИМИЗ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ереван). 19.05 «ДУНЁНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ЎН КУН». Таганкадаги Москва драма ва комедия театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Ж. Рид. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 ШАНБА ОҚШОМИДА. Сизни РСФСР халқ артисти Л. Лешченко таклиф этади. 23.30 Янгиликлар. 23.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Ритмик гимнастика. 9.50 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 10.20 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.25 «Жаҳон бадиий маданияти». Ака-ука Грим эртаклари. 12.25 «И. И. Обломов ҳаётидан бир неча кун». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар. 14.45 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм — «Ватан ўғлонлари» («Центрнаучфильм»). 15.35 «Қушиққа бағишланган ҳаёт». РСФСР халқ артисти И. П. Яунзем ижоди ҳақида. 16.45 «Остона ҳатлаб ўт». 17.30 «Ставрополь: давр ва одамлар». СТАВРОПОЛЬ ТЕЛЕВИ-



ДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 18.50 «Белие роси». Бадиий фильм («Беларусьфильм»). 20.15 Халқ куйлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бўғирсоқ». 20.45 ЗДОРОВЬЕ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Спорт программаси. От спорти. Бутуниттифоқ мусобақалари. Тбилисидан кўрсатилади. Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан кўрсатилади 24.00 «Дўстлик маршрутлари». Арманистонда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари. 01.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7... «Кошкар». Телефильм. 7.30 ... БОРОТ. 7.50 «Салом, кички... лар!». 8.00 «Музикали пал... (такрорий). 8.30 ИРКУТС... ЎзССР АДАБИЁТИ ВА САНЪ... КУНЛАРИ (рус). 8.55 УЛУҒ О... ТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «О... ли йўллар». Кўп серияли те... визион бадиий фильм. 14-... рия — «Курашаётган Туркисто... 10.10 «Ҳовлимиздаги стади... 10.40 «Кинoредакция почтасид... Телетомошабинлар хатларига ... зор. 11.25 «Театр ва зам... (рус.). 12.25 «Ота-оналар униве... ситети», «Болаларга алоҳида ... тибор берайлик».

* * *

16.55 Кўрсатувлар програм... си. 17.00 Футбол бўйича СС... чемпионати. «Пахтакор» — «Ло... комотив» (Москва). «Пахтако... Марказий стадионидан олиб ... сатилади. 18.50 «Қанотлар, ... лар, думлар». Мультфильм. 19... Мактаб ўқувчилари учун. «См... ат ғунчалари» (такрорий). 19... АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Музи... ли дастхат». Н. Чурадаева. 20... «Тоғли Қримнинг кузги бўй... ри». Ҳужжатли фильм. 20.30 А... БОРОТ. 20.50 Музикали драм... лардан ария ва дуэтлар. 21... Москва. ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИ... «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 УЛУҒ О... ТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ре... волюция тенгдошлари». Со... Иттифоқи Қаҳрамони Қ. Турди... ҳақида очерк. 23.05 «26-си от... масин». Бадиий фильм («Ўзбе... фильм»). 00.35 Кўрсатувлар про... граммаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Якшанба

25 ОКТЯБРЬ


АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.15 «Спортлото», тиражи. 10.30 БУДИЛЬНИК. 11.00 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 12.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.30 «Снови, Чилли, Мотли ва мен». Телевизион ҳужжатли фильм (Англия). «Ҳайвонот оламида» туркумидан. 13.30 МУЗИКАЛИ КИОСК. 14.00 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 15.00 ЗДОРОВЬЕ. 15.45 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан кўрсатилади. 16.30 Мультфильмлар: «Хўжа Носир — қурувчи», «Бекболат», «Нега қалдирғочнинг думи айри?», «Қўзичоқ ва Қўшоёқ қандай қилиб яхшилик излашди» (Қозоғистон). 17.15 Останкино концерт студиясида етим болалар мактаб-интернатининг директори А. А. Католиков билан учрашув (Сиктивкар шаҳри). 18.55 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 19.40 «ЎРТОҚ ҚЎШИҚ». Бутуниттифоқ телевизион конкурс. Ленинграддан кўрсатилади. 20.30 «Экран усталари». Рина Зелёная. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Давлат Марказий концерт залида Украина ССР санъат усталари ва ижодкор ёшлари концерти. 00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 «МАКСИМ ЗВЕРЕВ. ҲИКОЯЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси («Қозоқфильм»). 9.35 «Белие роси». Бадиий фильм. 11.00 Рус тили. 11.30 ЧИТА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. «БАМ чорраҳада». 12.30 Мамлакат миллий театрлари фестивали. К. Маржанишвили номли грузин Давлат академик драма театрининг фильм-спектакли. 13.45 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 4-фильм — «Реалистлар» («Центрнаучфильм»). 14.30 «Циркни ҳамма севади». Свердловскдан кўрсатилади. 15.00 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан» Д. В. Кабалевский. «Реквием». 16.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 16.30 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Фольклор кечаси» (Замбия). 17.00 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан олиб кўрсатилади. 18.15 МЎЪЖИЗА-



СИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР. 19.15 В. Маяковский. «Ҳайқириқ». РСФСР халқ артисти А. Лазарев ўқийди. 19.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Совет санъати саҳифалари. Адабиёт ва театр». 8-фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Похол бузоқча». Мультфильм. 20.45 «Вологда тароналари». 20.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». К. Васильев. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Чет эл фильмлари экрани. «Доктор Гундлахнинг иккинчи ҳаёти» (ГДР). 00.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тобольск кремлининг хазинаси». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Шарқ синдроми». Ҳужжатли фильм. 8.40 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». Режиссёр-мультипликатор Г. Нуъмонов ва рассом С. Алибеков ҳақида. 9.2... Мактаб ўқувчилари учун. «Биргаликда куйлаймиз». «Интернационал». 9.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 15-серия — «Курашаётган Туркистон». 10.50 «Пионерлар мамлакатида» (рус.). 11.5... ЎзТВ фондидан. Ойбек. «Кутлуғ қон». Видеофильм, 3-қисм. 12.0... «Сиз севган қаҳрамонлар». Болалар учун кинокўрсатув. 13.0... Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 14.05 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб». ҚҚАССР ва республика областлари болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Наманган ёшлари (такрорий). 19.00 БУГУН — АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Сиҳат-саломатлик». «ШИФОКОРЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА». 20.25 Музикали танаффус. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Революция тенгдошлари». Академик Т. А. Саримсоқов. 22.35 «Ўттиз қалдирғоч». Ҳужжатли фильм. 22.45 Ўзбекистон ССР халқ артисти Отажон Худойшукуров куйлайди. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Биз 1988 йилда ҳам «Телевидение программалари»ни шу ҳолда, батафсил бериб бориш ниятидамиз. Программаларнинг берилишига доир ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 09096

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2489.

Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.